

## Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 502-ҳадис

502/913 – وَعَنْهُ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ فِي رِوَايَةٍ قَالَ: لَمْ يَكُنْ لِلنَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مُؤَذِّنٌ غَيْرُ وَاحِدٍ، وَكَانَ التَّأْذِينُ يَوْمَ الْجُمُعَةِ حِينَ يَجْلِسُ الْإِمَامُ؛ يَعْنِي عَلَى الْمِنْبَرِ.

502.913 Соиб ибн Язид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Мадина аҳли кўпайгандага жума кунидаги учинчи аzonни зиёда қилган **киши** Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳудир. Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг биттадан ортиқ муаззинлари бўлмаган. Жума куни аzon имом ўтирганда айтилар эди». Яъни минбарга.

**Изоҳ:** Бу ерда муаллиф айрим манбалардаги «Набий алайхиссалом хутбага ўтирганларида учта муаззин кетма-кет аzon айтар эди» деган гапга раддия бермоқчи. Бундан у вақтларда хутба азони билан иқомани бир киши айтгани ҳам тушунилади.

Манба: [hadis.islom.uz](http://hadis.islom.uz)

